



12

ҚАРОР—ПОСТАНОВЛЕНИЕ

Йил „ 5 “ м а р т

№ 45-Қ

Зарафшон, Қорадарё ва Оқдарё дарёларининг қирғоқ бўйи минтақасида муҳофаза ишларини олиб бориш учун вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига ер ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Ер тўғрисида” ги Қонунининг 14 ва 43 моддаларига асосан ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 мартдаги 11/86-47 рақамли далолатномасига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Зарафшон, Қорадарё ва Оқдарё дарёларининг қирғоқ бўйи минтақасида 50 метр масофа ичида муҳофаза ишларини олиб бориш учун вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига ер ажратиш тўғрисидаги Челак тумани ҳокимининг 1996 йил 24 июлдаги 223 рақамли, Тайлоқ тумани ҳокимининг 1996 йил 20 сентябрдаги 353/8 рақамли, Самарқанд тумани ҳокимининг 1996 йил 1 июлдаги 354 рақамли, Оқдарё тумани ҳокимининг 1997 йил 8 январдаги 6 рақамли қарорлари ҳамда мазкур қарорларда кўрсатилган Зарафшон дарёсининг қирғоқ атрофи учун 208,6 гектар, Қорадарё дарёсининг қирғоқ атрофи учун 359,4 гектар ва Оқдарё дарёсининг қирғоқ атрофи учун 427,0 гектар ер майдони туманлар бўйича асосий кўрсаткичлари иловага асосан тасдиқлансин.

2. Зарафшон, Қорадарё ва Оқдарё дарёларининг қирғоқ бўйи минтақаси учун мўлжалланган 995,0 гектар: шундан, ҳайдаладиган сувли ерлар 119,8 гектар, боғлар 18,6 гектар, токзор 11,9 гектар, тутзор 10,7 гектар, мелиоратив ҳолати ёмон ерлар 2,8 гектар, ўрмонзор 6,7 гектар, ўтлоқлар 357,1 гектар, бутазорлар 169,5 гектар, томорқа ерлари 28,9 гектар ҳамда 269,0 гектар бошқа ерлар вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қирғоқ бўйи минтақасини мустаҳкамлаш, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа тадбирларни ўтказиш учун фойдаланишга топширилсин.

3. Вилоят ер муносабатларини тартибга солиш ва ердан фойдаланишни назорат қилиш бошқармаси (Ш.Ахмедов) га мазкур қарор қабул қилиниши билан хўжаликлар бўйича бўладиган ўзгаришларни ер ҳисоботига киритиш топширилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари И. Усмоновга юклатилсин.

Вилоят ҳокими

А. Мардиев

